

Атокли шоир, носир ва драматург, Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати Аскад Мухтор 1920 йили Фаргона шахрида темир йўл ишчиси оиласида тугилди. У 11 ёшида отасидан етим колиб, болалар уйида тарбияланган. Мактабни тугатгач, Аскад Мухтор Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетига (1938) кириб ўқиди. Сўнг Андижон педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлади.

Аскад Мухторнинг Тошкентга келиши унинг фаолиятида янги сахифа очди. У «Ёш ленинчи» (1945), сўнгра «Кизил Ўзбекистон» рўзномасининг мухарририятларида бўлим мудири, масъул котиб, «Шарқ юлдузи» ойномасида (1960—1965) бош мухаррир, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котиби (1957) бўлиб ишлади. «Гулистон» ойномасида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» хафталигига бош мухаррир бўлиб ишлади.

Аскад Мухтор «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар» сингари илк шеърлари (1935—1938) да поэзиянинг максад ва вазифасини, шоирнинг жамият олдидаги бурчини аниклаб олишга интилди. У поэзияга «Калбга канот», «дардга даво» берувчи деб карайди. Шоир Улуг Ватан уруши бошланиши билан «Галаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Тугишганлар кайтди», «Согиниш», «Москванинг калби» сингари катор поетик асарлар яратиб, халкни фашист боскинчилари устидан галаба козонишга унади. Ватан гўзалликларини, туганмас бойликларини, халк хаётидаги катта ўзгаришларни тасвирловчи «Пўлат куювчи» (1947), «Хамшахарларим» (1949), «Рахмат, меҳрибоним» (1954), «Чин юракдан» (1956) шеърий китоблари шоирнинг катта ижодий ютукларидандир.

Аскад Мухторнинг «Мардлик чўккиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» каби пъесалари драматургиямизда болалар хаётининг, шунингдек, ишчилар синфи турмушининг ёритилиши жихатидан мухим ахамиятга эга.

Ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Коракалпок киссаси» (1958), «Бухоронинг жин кўчалари» каби киссалари, «Опа-сингиллар» (1954—1955), «Тугилиш» (1963), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1973) романларида замонамизнинг мухим муаммолари ўз ифодасини топтан.

“Чин юракдан” (1956) шеърий китоби, “Хаётга чакирик” (1956), “Дунё болалари” (1962) хикоялар тўплами ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитди.

“99 миниатура”, «Карвон кўнгироги» шеърий китоблари 60-70-йиллар ўзбек Шўро шеъриятида катта воеа бўлди. Уларда инсон калбининг товланишлари чукур интеллестуал хис-туйгу воситасида бадиий баркамол талкин этилган.

Аскад Мухтор таржимасида Софокл, Тагор, Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Горкий, Шевченко, Блок, Корнейчук, Павленко асарлари ўзбек китобхонларининг _маънавий мулкига айланди.

Лирик шоир, таникли адиб, мохир таржимон сифатида Аскад Мухтор маданиятимизни бойитишда ўзининг муносаб хиссасини кўшиб келаётган ижодкорларданdir.